

## ИНСТАЛЛЯЦИЯДА САНЪАТ СИНТЕЗИ МАСАЛАСИ

**Исакова Аъло**

К.Беҳзод номидаги миллий рассомлик  
ва дизайн институти 4 –босқич талабаси

### АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада мустақиллик йилларида Ўзбекистон тасвирий санъатида юзага келган тенденциялар, ижтимоий-маданий ўзгаришлар ҳақида сўз боради. Мустақиллик йилларида миллий рассомлар ижодига назар. Мавзу ва йўналишларни тематик ўзгаришлари, жаҳон миқёсидаги асарлар талқини, инсталляцияда синтез масалалари ёритилади.

**Калит сўзлар:** постмодернизм, соцреализм, инсталляция, рейди-мед, видео арт, CONSTELLATION

### АННОТАЦИЯ

В этой статье рассказывается о тенденциях в изобразительном искусстве Узбекистана за годы независимости, социокультурном обучении. Взгляд на творчество национальных художников за годы независимости. Освещаются тематические смены тем и направлений, интерпретация произведений в мире, вопросы синтеза в инсталляции.

**Ключевые слова:** постмодернизм, соцреализм, инсталляция, рейди-мед, видео арт, CONSTELLATION

“Постмодернизм” атамаси XX асрнинг иккинчи чорагида кенг қўлланила бошлаган. Дастлаб меъморчиликка нисбатан ишлатилган бўлиб, янгича шакл ва ғояларни ифодалаб келган. Ўзбекистон постмодерн санъати ҳақида Санъатшунослик фанлари доктори Н.Ахмедова -“Постмодерн Ўрта Осиёда модернизмнинг услубий ечимларини, шаклий нозиклик, тоза колорит ва пластика ютуқларининг бутунлай сақлаб қоди” (1,с.176), дейди. Яъни Ўзбекистон постмодерн санъати модернизмдан кейин эмас балки соцреализмдан кейин шаклланди ва модернизм билан бирга илгарилади. Ғарбда модерндан кейин демократик ғояларга асосланган, Ўрта Осиёда эса диний, миллий фалсафа асосида қурилади. Аънанвий ижоддан фарқли равишда муаллифнинг ўй-фикри, ўзини англаш ва ўз ғояларини эркин талқин қилиш ҳам айнан постмодернизм

санъатига тегишлидир. Албатта бу йўналиш академизм тарафдорлари томонидан яхши қаршиланмади. Тоза академик тамоилларни асраб қолиш, шу йўналишга собит қолувчиларни анчайин ғашини келтирди. Лекин халқаро майдонга чиқиш, илмий ва техник кашфиётлар, санъатни сиёсий мафкуралардан ажратиш, халқаро кўргазмалар миллий рассомларда маданий диалогга эҳтиёжни ва янги бадиий тилни ривожлаганишига олиб келди.

Шу каби 1980 йилларнинг иккинчи ярмидан рассомлар халқаро кўргазмаларда иштироки, хорижий сафарлари натижасида эскича ғоялардан воз кечиш кераклиги англаб етди. Рассомлар ўз ғояларини томошабинга етказиб бериш учун янги-янги воситаларни қўллашни бошладилар. Техник воситалар орқали инсталляция, видео-арт ва визуал санъат бугунги кунда энг муҳим ифода воситаси мақомига чиқиб олди.

Хусусан “Инсталляция” санъати ижодий фикрлаш ва дунёқараш билан боғлиқ. XX аср санъатининг учта муҳим тури-архитектура, ранг тасвир ва ҳайкалтарошликда ўз аксини топа бошлади. Аммо инсталляция анъанавий ранг тасвирдан фарқли равишда уч ўлчамли бўлади. Томошабиннинг макон ва фазо ҳақидаги тасаввурини уйғотишга мўлжалланган. Айтиш мумкинки, айтиш мумкинки ижтимоий ва сиёсий муаммоларини очикдан очик ҳал этиш имкони туғилди. Инсталляцияда турли ҳил материаллардан, табиий объектлар, атрофимиздаги нарсалар ва визуал маълумот элементларидан фойдаланилади. Бу турдаги асарлар ҳайратланарли ва шу билан бирга провакатциондир. Муаллиф асарлари орқали воқеликка нисбатан ўз муносабатини намойиш этади. Мустақиллик йилларида эса ўзбек рангтасвирида янгича фалсафа ва концепция юзага келди. Албатта академизмдан воз кечиш, шахсий ўзликни топиш ва томошабинларни бунга кўниктириш осон кечмади. Мукамал ифода тили, бетакрорлик ва албатта шарқона ҳаё талабларига ўрганган томошабинларга янгича гедонистик эстетикага йўғрилган асарлар тақдироти бир оз қўпол ва айтиш мумкинки дидсизлик каби туйилди.

Яъни “Соцреализм тарафдорлари унча хуш кўрмаган севги-мухаббат мавзуси эндиликда долзарб мавзуси эндиликда долзарблашди, шунингдек, ўзбек рангтасвирчилари авлоди аввалги тўсиқлардан ошиб ўтиб, янги Фалсафага мурожаат этдилар. 2000 йиллар бошида бу йўналишда ижод қилган аксарият рангтасвирчилар ўзларининг палстик услубларини бир оз янгилаган ҳолда ҳориж рангтасвирида шакллана бошлаган, инқироз ва стагнация ҳақида ўйлана бошладилар. 1990 йилларда услублаштирилган йўсинда ишлашни давом эттирдилар”. (2, с.5).

Ўзбекистонда биринчилардан бўлиб 1980 йилларда В.Ахунов ва Э.Исхоков ижодида янгича ёндашув пайдо бўлди. Кейинчалик Ж.Усмонов ва Ф.Ахмадалиев ижодида кўзга ташланади. Ж.Усмонов 2000- йилларнинг иккинчи ярмида видео-артга мурожаат қилди ва бир қатор видео туркумни тақдим этди. Гарчи техник воситалардан фойдалансада ижодларида шарқона қараш ва тасаввуф фалсафасига содиқлик сақланиб қолди.

В.Усеинов, А.Николаев, М.Қорабобоев, Б.Исмоилов, Т.Аҳмедов, З.Шарипова каби рассомлар 2000 йиллар охирида фаоллашдилар ва Тошкентда ўтказилган кўرғазмаларда фаол иштирок эта бошлашди. Видео-арт, инсталляция йўналишларида С.Жабборов ва Д.Розиқовлар тез-тез ўз лойиҳаларини тақдим этмоқда. Албатта юқорида келтирилган рассомларнинг ижоди бир-бирига мос келмасада, постмодернистик асосда бир нуқтада бирлашадилар. Шу жihatдан Ўзбекистонда энг йирик постмодернистик лойиҳа бўлган “CONSTELLATION”ни эслаб ўтиш лозим. Ушбу лойиҳада инсталляция (В.Усеинов, М.Фозили, А. Николаев), видео-арт (С.Тичина, В.Ахунов), кинетик объектларда (А.Николаев), инвайрмент (Ф.Ахмадалиев, Ж.Усмонов), перформанс ва реди-мейдларни (А.Николаев)лар намойиш этилар.

Кўрғазмада тиллар, техник воситалар ва жанрлар, нафақат экспериментал, балки рассомларнинг жиддий фалсафий ишларини ҳам тақдимоти бўлди. “А.Николаевнинг “Орол суви” инсталляцияси нафақат экологик ҳалокат ҳақида, балки антропосентрик ғояларнинг барбод бўлиши ҳамдир”. (3, с.23-25) Дарҳақиқат, ушбу “Орол суви” инсталляциясида шиша идишларга минерал сув солинган. Баъзи идишлар синган. Томошабинлар сувдан ичиши мумкин. Бу билан рассом Оролнинг қуришига инсонлар ҳам сабабчи эканига ишора беради. Ёки кинетик лойиҳасидан “Комилликка интилиб” асарида рассом гипсдан ясалган қўлларни қоғозга инсон қоматини давомли тарзда муҳрлашини ифода этади. Яъни комиллик бугунги кунда қай даражада эканлигини киноя орқали ифодалайди.




А.Николаев. “Орол суви” Инсталляция 2005 йил.

В.Ахунов ва С.Тичинанинг “Одам Ато, Момо Ҳавво ва ..... Бошқалар” инсталляциясида Уйғониш рассоми Ян Ван Эйкнинг “Адам ва Ева” асарини кўрамиз. Аммо уларни ораси ажратилиб ўртасига телевизор ўрнатилган. “Илк гунохнинг” содир этилганига анча булган аммо давомчилари бизлар эканимизга ишора қилади.



В.Ахунов ва С.Тичина “Одам Ато, Момо Ҳавво ва .... Бошқалар” видео инсталляция. 2005 йил

В. Усеиновнинг “Constant” инсталляцияси гугурт доналарига ўхшаш катта ёғочлардан ишланган бўлиб, Мебиус тасмаси шакилида жойлаштирилган. Бир қарашда бу ДНК халқасини ҳам эслатади. Ва бу лойиханинг бошланғич маъносини йўқотиб, макон ва вақт ҳақидаги муаммоларни ўйлашга мажбур қилади.



В.Усеинов. “Constant” инсталляция. 2005 йил

Ж.Усмонов ва Ф.Ахмадалиевларнинг “X-position” лойихасида шамотдан ясалган каламушлар сизни бир-бирига қарама-фарши қўйилган оқ фондаги қора ва қора фонга оқ ранглар билан ишланган боши инсон аммо шаклан каламуш шакили томон етаклайди. Бу билан рассомлар одамзотда ярим инсоний ва ярим хайвоний хиссиётлар борлигини ифодалайди.

Қисқа қилиб айтганда “Лойиха ўзида яхшилик ва ёмонлик курашини акс эттиради. Ж.Усмонов ва Ф.Ахмадалиевларнинг лойихаси ўзининг ғоявий

ифодавийлиги кўра жуда кутилмаган бўлди. Рассомлар ўз фикрларини ажойиб тарзда тақдим этилар ва анъанавий минталитет асоси ила очиб бердилар”. (4 с. 66-67)

“CONSTELLATION” лойихаси ҳам экспериментал ҳам профессионал тарзда актуал санъатнинг мувоффақиятини очиб берди. Шунда сўнг бу йўналишда кўплаб лойихалар амалга оширила бошлади. С.Жабборов, Д.Розиқов, Н.Шарафхўжаева, Н.Расулов ва Ш.Ражамовлардан ташкил топган “5+1” гуруҳи ўзларини ишларни тез-тез намоиш этмоқдалар. Хусусан С.Жабборовнинг “Тақдирлар оқими” инсталляциясида шарқ шоирларинг хикматли сўзларини сопол идишларга ёзади ва ахлоқий муаммоларга мурожаат қилади.



С.Жабборов. “Тақдирлар оқими” Инсталляция 2008 йил

А.Хакмовнинг кураторлик лойихаси ҳисобланган “Lun@lika.ya” кўргазмасида Д.Розиқов ўзининг ақуал мавзудаги лойихаси билан қатнашди. Сейф, панно, шойи мато ва вентилятор фойдаланган холда аёлнинг нозиклигини, нафосатини хилпираб турган шойи мато мисолида кўрсатса, аёл қалбини сир-асрорга бойлигини сейф орқали ифодалайди.



Д.Розиқов **Lun@lika.ya** 2008 йил

Худди шу лойиҳада Н.Шарафхўжаева каттиқ дисклардан ясалган аёл қоматини ишлайди ва бу билан бугунги кунда аёл қадрининг анча тушкун экани кўрсатади.



Н.Шарафхўжаева “Lun@lika.ya” 2008 йил

Шу тариқа жуда кўплаб лойиҳалар амалга оширилди. Н.Ахмедованинг “Вақт белгилари”, “...мен ҳам Аркадияда бўл(ма)ганман”, А.Хақимовнинг 2007-2012 йиллардаги еттита (“Тетрагон-реалликнинг тўрт ўлчами”, 2007; “Пилланинг ўғирланиши”, 2007; “Ойжамол”, 2008; “Туркистон римейки”, 2009; “Арасту сигири (Аристотель жумбоғи)”, 2010; “Гедонизм эстетикаси: таом, тана, рух”, 2011; “Генеология: хотира дарахти”, 2012) кураторлик лойиҳалари мисол қилишимиз мумкин.

2022 йилда ўтказилган халқаро IX Тошкент халқаро амалий санъат биенналисиди ҳам бир қатор рассом ижодкорлар ўзларининг лойиҳалари билан қатнашдилар. Иштирокчилар гарчи берилган мавзу (Рассом ва жамият. Келажак санъати концепциялари)ни у қадар очиб бермасида, ғоявий жихатдан ажойиб асарларни тақдим этилар. А.Николаевнинг “Багаж” инсталляциясида темир аравага солинган коржомалар, андава ва пахта гулли чинии пиёла арқон ипларда маҳкам қилиб боғланган. Ишчилар кетишга тайёр. Бу эса бугунги кунда энг долзарб бўлган меҳнат мухожирлари ҳаётига назар ташлашдир.



А.Николаев “Багаж” инсталляция 2022 йил

Ёки Мафтуна Саъдуллаеванинг “Тошкентда ҳар қадам пул” инсталляциясида ҳар ҳил ёшдаги инсонлар ковушларига тангачалар ишланган ва улар Тошкент харитаси атрофида жойлашган. Кичик ёшдаги ковушчалар эса марказда жойлашган. Муаллифнинг фикрига кура ота- онаси укишга юбораетганда эҳтиёт булишини, моддий масалаларда маслахатлар бера туриб “Тошкентда ҳар қадам пул” дея огохлантирганини езади. Аммо томошабинларнинг фикрига кура эса бу бугунги кунда Тошкентда содир бўлаётган жараёнлар, қариялар ва ёш болаларга берилаётган имтиёзлар ҳамда ҳозирда актуал бўлган нарх-наво ва иқтисодий муаммоларни олиб чиқган.



М.Солиева “Тошкентда ҳар қадам пул” инсталляция 2022 йил

М.Борадина ижодига мансуб “Матиссга бағишлов” инсталляцияси ўз номидан келиб чиқган холда модернизм эрасининг йирик вакили Анри Матиссининг дурдона асарларидан бир булган “Ракс” (1910) композициясини хайкалтарошлик нуқта-и назари билан тақдим этади. Унда ракс тушаётгандек

харакатланган алвон турналар мовий ва зангори рангдаги таг заминга маҳкамланган ҳолда тақдим этилган.



М.Бородина. “Матиссга бағишлов” 2022 йил

Хулоса қилиб айтганда концептуализмда асар концепцияси муҳумроқ деб ҳисобланган ҳолда, муайян ғояни ифодалаш санъатнинг мақсади, деб белгилаб беради. Унга кўра исталган предмет, ходиса ва жараён санъатнинг объектига айланиши мумкин, зеро концептуал композициялар аниқ пластик шаклдан озод этилган соф бадиий ишора, ҳаракатни томошабинга тақдим этади.(5, с.45) Ва бу ифодавий жараёнларда бир нечта санъат турларини синтезини кузатамиз. Рақамли технологиялар, кино санъати, аудиоовозлар, хайкалтарошлик ва хатто амалий санъат воситалари бир бутунликда, бир бирига уйғун ҳолда асл ғояни томошабинга намоиш этади. Замонвий санъатда

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати: (REFERENCES)**

1. Ахмедова Н. Живопись Центральной Азии XX века: традиции, самобытность, диалог (особенности формирования и развития). Ташкент. 2004, с. 176.
2. Хакимов А. Похищенные реальности как приближение к смыслу // San'at 2003. №3
3. Ахмедова Н. Здесь и сейчас... // San'at 2005. №2, с. 23-25.
4. Exhibition constellation catalogue (на русском и английском языке). Каталог выставки «Конstellляция». Авторы текстов: Н. Ахмедова, И. Булкина. Ташкент. 2005, с. 66-67.
5. Н.Култашева. “Рассом ва жамият. Келажак санъати концепциялари” халқаро илмий-амалий Тўплами Тошкент 2022, с. 45